

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/6 ◊ 2017



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУз ◊ АСТА NUUZ

МУНДАРИЖА

Тарих

Алимов Ж.А. Ўзбекистонда от спорти: тарихи ва истикболлари.....	4
Ахророва А.Н. Сомонийлар даври архитектураси ва адабий муҳити тарихини ўрганиш	7
Ашуров А., Ибрагимов Х. Гандбол тарихи ва унинг Ўзбекистондаги ривожини	10
Бахтиёрзода О.Б. Геология Туркестана в годы первой мировой войны	13
Гайбуллаева Ю.А. Ўзбек халқи либосларида иқлим шароити ва моддий-маънавий ҳолатнинг акс этиши (XIX-XX асрлар мисолида)	16
Джурраев Д.У. Туркистон халқ таълими ташкил этилиши ва бошқарилишининг педагогик хусусиятлари ..	18
Жўраев З.М. Шарқона давлат бошқарув анъаналарининг мантиқий давоми	22
Ийманова Д.А. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик кадрларини шакллантиришдаги баъзи жиҳатлар ва уларнинг оқибатлари (XX асрнинг 40-90-йиллари)	26
Мансуров М. Фарғона вилоятида миллий фольклор туризмни ривожлантириш имкониятлари	30
Насиров О.Н. “Ўзбекпахта” акциядорлик жамияти фаолияти (1925-29 йй)	34
Орзиев М.З. Бухорода даврий матбуотининг шаклланиши (XX аср бошлари)	36
Турсунов Н.Н. Сурхон воҳаси аҳолисининг моддий маданиятида ҳунармандчиликнинг ўзига хос жиҳатлари	40
Ҳакимова Ш.С. Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари тарихига доир.....	44
Ҳамидова М.С. Амир Темур боғларининг урганилиши.....	47
Ҳашимова Г.У. Туркистон АССРнинг биринчи “қонуний асоси”	51
Холов В.Ю. АҚШда Ўрта Осиёни урганувчи тадқиқот марказларининг шаклланиши ва фаолияти тарихидан	54
Ҳайитов Ж.Ш. Туркистон минтақасида янги экин навларни тарқатиш тарихидан (XIX аср 2 ярми – XX аср бошлари)	57
Эшонқулов Ш.Э. Зарафшон воҳаси аҳолисининг этногенези, этнологиясининг ўрганилиш тарихи ва манбалар бўйича таълиқи	60
Yusupova D.J. O' rta Osiyoning tarixiy-kartografik jihatdan yoritilishi	64

Фалсафа

Абдуазимова З.А. Экологик ахлоқ кадрларини шакллантиришга глобаллашувнинг таъсири	67
Аминова Ф.Х. Педагогик тафаккур ўқув-тарбия жараёнининг энг муҳим омил сифатида	70
Аннамуратова С.К., Марданов З. Современные проблемы и критерии профессиональной подготовки учителей биологии на основе модульной технологии	74
Асламова О.П. Таълим жараёнида ўқитувчининг тафаккур тезлиги ҳамда унинг амалиёт билан уйғунлиги.....	77
Atamuratov R. Virtual muzeylarning rivojlanish istiqbollari	80
Ахророва З. Ўзбекистонда медиатаълим истикболлари	83
Бабаниязова М.Ю. Инновацион фаолиятда креативликнинг аҳамияти	86
Бердиев Б.Р. Социал стратификация мазмуни ва моҳияти	90
Давронова Д.С. Миллий истиклол мафқураси асосида онлада ёшларнинг гоъвий-сиёсий маданиятини шакллантириш	94
Жабборов У.А. Некоторые параметры внедрения педагогического опыта зарубежных стран в подготовке учителей английского языка	96
Ибрагимова Н.А. Экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари	99
Катанов К. Религиозные ценности в социокультурной характеристике сакральных мест	102
Камбаров А., Нажмиддинова М.М. Ёшлар мафқуравий иммунитетини шакллантиришда миллий кадрларнинг ўрни масаласи.....	106
Мансуров А.С. Ижтимоий жараёнларни моделлаштириш ва тизимли таҳлил	108
Марозиков А. Соғлом она – соғлом бола муҳофазасида экологик софликнинг аҳамияти	111
Махкамов К. Миллий ва тарихий оннинг ўзаро боғлиқлиги	114
Музаффаров Ф.Д., Нарзиев З.И. Муҳаммад Ғазолий таълимотида инсон масаласи	116
Найкян М.Ж. Ижтимоий жиҳатлари устуворлиги – ижтимоий кадрлар масаласи	119
Наталик Симон С.Н. “Социаллик” ва “ижтимоийлик” тушунчаларининг ўзаро муносабати	123
Норматова Д. АҚШ ва қонил инсон гоъси.....	126
Очилов З.С., Ҳайитов О.А. Педагоглар малакасини оширишда мультимедиа лойиҳаларининг айрим жиҳатлари	129
Розимова Е.Ю. Ҳушёрчилик кенгаши – халқ ва армия бирлиги, ҳарбий анъаналар давомчиси.....	133
Сабирова У. Заҳарий таълим тизимида Болонья шартномасининг ўрни.....	137
Сапаров Б.Б. Миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги	141
Таджиев Д.Б. Ижтимоий ҳаётда муаллифлик технологияларидан фойдаланиш	145
Тупчиев Б.Т. Берлики ва ИБТ Сино ёзишмалари (Аристотелнинг “Осмон ҳақида” асари асосида)	148
Умаров Л.М. Уқитувчи ва ёшлар оммавий коммуникацион касбий компетентлигининг таркиблаштирилиши	153
Усмонова Д.Т. Касбий таълимда ёшлар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари.....	156

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Усмонова Д.Т. *

РЕЗЮМЕ

Маълумки, таълим бериш жараёнини бир неча bosқичларга ажратиб орқали амалга оширилади. Натижада, таълим олувчиларни таълимнинг ҳар бир bosқичидаги бадий-ижодий ривожланишларини ўрганиш, таҳлил этиш имконияти яратилади. Мақолада касбий таълимда таълим олувчиларнинг заргарлик санъати композицияларини ўрганиш жараёнидаги иждоий ривожланишлари билан боғлиқ бўлган психологик аспекти қараб чиқилган.

Калит сўзлар: бадий ижод, жараён, фаолият, касбий, таълим, заргарлик, композиция, психологик

“Иждоий жараённи тадқиқ этишдан мураккаброқ нарса йўқдир”, - деб таъкидлашади психологлар. Дарҳақиқат иждо жараёнининг характери, шакллари, методлари иждокдорнинг шахсий услубига боғлиқ ҳолда доний ривожланишда бўлади ва шаклан ўзгариб туради. “Қанча ёзувчи бўлса, шунча иждо услуби ҳам мавжуд”, - деб таъкидланган [4].

Иждо жараёнининг психологик муаммолари ҳақида [1;3;4] ларда атрофлича қараб чиқилган. Уларда иждонинг иждоий, ҳиссий-эмоционал, интеллектуал ва шахсий ибтидолари яхлит, ажралмас интегратив хусусиятга эга эканлигини таъкидлаган.

Педагогик луғатларда “ижод” “бадий асарнинг образли ғояси шаклланишидан бошлаб уни рўёбга чиқаришгача бўлган жараён, борлиқни кузатишнинг бадий образга айланиш жараёни” сифатида талқин этилади. Мазкур таърифдан кўришиб турибдики, иждо ғоянинг “шаклланишидан унинг рўёбга чиқишигача” бўлган bosқичли ривожланиш жараёни бўлиб унинг бу жиҳати ўқувчиларнинг иждоий ривожланиши педагогик жараёнини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таълим бериш жараёнини бир неча bosқичларга ажратиш амалга оширилади ва таълим олувчиларни таълимнинг ҳар бир bosқичидаги бадий-ижодий ривожланишларини ўрганиш, таҳлил этиш имконияти яратилади.

Бадий иждоини “аклий меҳнатнинг санъат ва адабиёт асарларида алоҳида белгилари билан намоён бўладиган жараён” тарзида ифодалаган [5]. Ушбу таърифдан аён бўладики, иждонинг негизда аклий фаолият (ёки аклий меҳнат) ётади [5]. Мазкур ҳолатни татбиқ этган ҳолда таъкидлаш жоизки, композицияга ўргатишдан мақсад, талабаларнинг фикрлашлари натижасида “маҳсул, алоҳида санъат асари” яратилишидан иборатдир.

Шунинг билан бирга, Л.С.Виготскийнинг фикрига кўра, инсон фаолияти натижасида яратиладиган бирор-бир янгилик у иждоий фаолият натижасида яратиладиган ташқи олам моддий қиймати бўладими ёки инсон ички дунёсида мавжуд бўладиган, ички оламда сезиш мумкин бўладиган ҳиссий-эмоционал, бундан катъий назар, у иждоий фаолият бўлади. Бу таърифдан хулоса қилинадиган бўлса, “иждоий фаолият натижасида реал моддий маҳсулот ҳам яратилиши мумкин ва шунингдек, инсоннинг ички ҳиссий-эмоционал ривожланиши ҳам иждо жараёнига хос бўлади” [2]. Шунинг учун ҳам иждоий жараённи ҳиссийларсиз, инсоннинг

ҳиссий ривожланишидан айро ҳолда тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. “Бадий иждо – бадий фаолиятсиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди, унингсиз мавжуд бўлиши ҳам мумкин бўлмайди” ҳолатдир. Иждо тушунчаси назарий фикр жараёни моҳиятини мазмунан аниқлаш имконияти беради. Айнан назарий тафаккур қилиш инсон фаолиятидаги амалиёт ва инсон психологияси шаклланиши орасидаги боғловчи буғин бўлиб қолмай, балки иждоий жараён ҳамдир” [2].

Педагогик тадқиқотларда таълим олувчиларнинг заргарлик санъати композицияларини ўрганиш жараёнидаги иждоий ривожланишлари билан боғлиқ бўлган икки блокни ажратиш курсатки мумкин. Психологик аспекти ифодаловчи бир блок талаба шахсига эстетик таъсир курсатишига умуман, амалий-декоратив санъатнинг, қўл жумладан, заргарлик санъатининг муаммолари билан боғлиқ. Бу аспект умумий эстетик ривожланиш, талаба шахсининг ривожланиши ва унинг бадий-касбий тайёргарликнинг шаклланиши масалалари билан ҳам боғлиқ. Иккинчи бошқа блок – педагогик блок ва у заргарлик санъати композициясини ўқитиш шарт-шароитларини ўзининг аниқ, ўзига хос сифатларини намоён этадиган ташкилий-дидактик принциплар билан боғлиқдир.

Бадий-иждоий билишнинг (яъни иждоий иштироки) этишнинг) шакллари сифатида психологик қуйидагиларни курсатадилар: сезгилар, идрок, иждоий тафаккур, фантазия. Фаолият, ифодаловчи, иждоий ёки комбинацион бўлади. “Фаолиятнинг бир турини қайта яратувчи репродуктив деб аташ мумкин; у бизнинг хотира билан узвий боғлиқ бўлади, унинг мазмун-маъно қуйидагиларда намоён бўлади: инсон ҳаракатларининг аввалдан яратилган ва қайта чиқилган хулқий усулларни қайта кашф этиш уларни ўз хотираидаги тасаввурлари асосида тиклайди” [1].

Фаолиятнинг бу тури таълим амалиётида, таълимнинг бошланғич жараёнида, талабаларнинг заргарлик композицияси ҳақидаги илк тасаввур шаклланиши жараёнида қўлланилади. У презентация конструкциялаш, деталларнинг ўрнини аниқлаш, орнаментни ўрганиш ва орнаментнинг заргарлик маҳсулоти конструкциясига боғлиқ жиҳатларини ўрганиш билан боғлиқ тарздаги бадий жараёнининг мақсади бўлган нусха кўчириш (график нусхалар, ўлчамларни аниқлаш ва кўчиришда) намоён бўлади.

* Усмонова Д.Т. – НавДПИ уқитувчиси.

Бадий қобилиятларни ривожлантириш учун ижодий ёки комбинацион фаолиятдан фойдаланилади. Онгимизнинг бу комбинациялаш хусусияти психологияда тасаввур ёки фантазия деб аталади. Унинг комбинациялаш хусусияти ёрдамида инсон фикр юритиши, комбинациялаштириши, ўзгартириши натижасида, яъни бирор бир янгилик яратилиши жараёнида ижодий тафаккур ривожланади.

Ўқув фаолиятида заргарлик санъати соҳасида бўлажак мутахассисни касбий тайёрлашнинг асоси бўлган янги лойиҳаларни яратиш ўқувчиларни ижодий фаолиятга йўналтиради. “Айнан ижодий фаолият инсонни келажакка интиладиган, келажакни яратадиган, уни ўзгартиришга интиладиган тарзда шакллантирувчи фаолиятдир” [1]. Инсоннинг борлик билан боғлиқ алоқасининг бу шакли – тасаввурнинг ҳар қандай маҳсули борлиқдан олинган элементлардан яратилиб, инсон тақрибаси асосида вужудга келади. Тасаввур ҳар қандай ижодий фаолиятнинг асоси сифатида маданий турмуш тарзининг барча жабҳаларида бир хил намоён бўлиб, бадий ижод мавжуд бўлишини таъминлайди. А.А.Малик-Пошоевнинг таъкидлашича: “Тасаввур ҳиссий тажриба маълумотларини эркин бошқариш жараёни сифатида бадий хусусиятларга эга бўлмайди, бу хусусиятлар инсон тасаввури ёрдамида эстетик хис-туйғуларнинг мутаносиб образини излаши жараёнида вужудга келади” [3].

Ўз даврининг руҳиятини акс этдирувчи образ ўтмиш мусаввир-заргарларининг диққат марказида бўлган. Уста заргарлар теварак олам билан бевосита тўғри алоқадаги муҳитда, унинг шакллари, бўринишлари, воқеликлари намоён бўладиган муҳитда ижод қилганлар. Улар ҳайвонлар, таррандалар, ўсимликлар оламининг ҳаётини тасвирлаб борганлар. Ўтмишнинг уста заргарлари ўз ижодларида ўзлари учун одатий бўлган, ўз турмуш шароитларида мавжуд бўлган, меҳнат жараёнида амалга ошириладиган нарсаларни ўзларининг қўлунчалари, тасаввурларидан келиб чиқиб акс эттирганлар.

А.А.Малик-Пошоев таълим олувчи образини қуйидагича тасаввурда баён этади: “У бир бўлак қорук ёғоч ҳам, бир парча лой ҳам эмас. Унинг қўлунчада қабрида ўзлигини намоён қилишга ундовчи қимадир, маъқулроғи қимдир бор. Инсон шахсининг ривожланиши маълум маънода ўз шахсиятини такрорлашдан, унинг ўзидан бошқа ҳеч қандай такрорланмайдиган ўзлигига қайтишидан иборат” [3]. Бундай позиция педагогни ҳар бир ҳушқонда ҳали сифатлари намоён бўлмаган, такрорланмас, ноёб, ўзига хос шахсни кўра билишга ўқатади. Бундай педагог ўзининг “бола шахсини билимлар ва хулқ-атвор меъёрлари билан таълимлаштирилиши лозим бўлган бўш идиш” тарзида таълим килувчи касбдошларидан мутлақо ўзга тарзда фаолият олиб боради. Ижодий ёки комбинацияловчи фаолият танловли ёндашув мавжуд бўлишини такозо этади. Танловли ёндашув заргарлик композициясини шакллантиришда элементларни ёки иш даврининг ўша жараёнида

энг мақбул мотивнинг аналогини танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мусаввир учун бутун борлик оламдан гоё образини имкон даражасида яхшироқ, аниқроқ, ёркинроқ акс этдириш имкониятини берувчи мотивни топа билиш, ажратиб олиш муҳим аҳамият касб этади. Зарур бўлганидан ортиқча маълумотларни чиқариб ташлаш – гоёни етказиш учун энг аҳамиятлиларини танлаб олиш, унга бадий шакл бериш. Одатда заргарлик санъатида таркибий қисм элементларининг минимал сони билан иш олиб борилиши сабабли, ортиқча элементлардан воз кечиш малакаси – композиция устида ишлаш – энг асосий принциплардан бири ҳисобланади. Мусаввир заргарнинг танловли ёндашувга асосланган фаолияти ва заргарлик санъатининг бадий-ижодий жараёни қонуниятлари юқоридагиларга асосланган. Касбий бадий таълимда ижодий ривожланиш бадий қобилиятларнинг шаклланишини такозо этади.

Қобилият - инсоннинг муайян тарихий шаклланган ижтимоий фойдали фаолият турига яроқли бўлишини таъминлаб берадиган психик хусусиятлар комплексининг мураккаб бирлигидир. Ҳар қандай қобилият бирор бир нарсага, жараёнга, воқеликка нисбатан бўлган қобилиятдир. “Қобилиятлар – фаолият ёки бир неча хил фаолиятларни муваффақиятли амалга оширишда билим ва қўникмаларга бевосита боғлиқ эмас, бироқ уларнинг ёрдамида фаолиятнинг янги усуллари, йўллари ва йўналишларини тезроқ ва осонроқ ўзлаштиришга қўмақлашувчи индивидуал-психологик хусусиятлардир” [6]. Қобилият ва истеъдод фақат анатомик-физиологик нишонлар, куртақларгина туғма бўлади, қобилиятларнинг ўзи эса фаолият натижасида шаклланади ва уларни ривожлантирувчи куч зиддиятлар орасидаги курашдан иборат [6]. Алоҳида қобилиятлар фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлай олмайди, фақат уларнинг маълум бир муайян бирикмалари фаолиятнинг муваффақиятли, самарали амалга оширилишини таъминлаши мумкин. Қобилиятларнинг бирикмасини – истеъдод деб аталади [6].

Қобилиятлар билим ва малакаларни эгаллаш, янги тажрибаларни ўзлаштириш имкониятидир, натижа эса қатор шарт-шароитларга боғлиқ бўлади: инсон билим ва қўникмалар зарурлигига эҳтиёж сезадими, унинг теварак-атрофдаги кишилар (оила, коллеж, ўртоқлари) бу билим ва қўникмаларнинг эгалланишига қизиқиш билдирадими, унга қандай даражада таълим беради, унинг эгаллаган билим ва қўникмалари қўлланадиган, мустақамланадиган меҳнат фаолияти қай тазда ташкил этилади. Бундан хулоса шуки, болада мусаввирликка (рассомликка) оид қобилиятларнинг аниқланиши унинг рассом бўлишини зинҳор қафолатламайди. Мусаввир бўлиш учун болада бадий фаолиятга қизиқиш ўйғониши, унда бу фаолият тури билан шуғулланиш учун мотив шаклланиши лозим: мотив вақт ўтиши билан эҳтиёжга айланади.

Кобилиятлар хақида сўз юритганимизда инсоннинг индивидуал-психологик хусусиятларини, яъни инсонлар бир-биридан нималари билан фарқ қилишларини назарда тутамиз. Бу фарқлар ҳам сифатга оид, ҳам микдорий бўлиши мумкин.

Агар биз ўқувчи бошқалардан фарқ қилувчи бастакорлик қобилиятига эга деб ҳисоблайдиган бўлсак, бу унинг бошқа ўқувчилар билан бир хил шарт-шароитларда композициянинг конструкциявий хусусиятларини, ноанъанавий композицион ечимларни бошқалардан тезроқ ва осонроқ топишни билдиради. Бизнинг фикримизча, бастакорлик қобилияти куйдагиларда намоён бўлади: ўқувчи бадий образ яратиш муаммосини муайян даражада мустақил ҳолда оригинал равишда ҳал қилади; муаммони ҳал қилиш жараёнида эмоционал-ижодий тасаввурни тезлик билан қўллай олади.

Маълумки, бир хил ёки ўхшаш натижалар қайд этилган фаолиятлар негизда турли хил қобилиятларнинг бирикмалари ётиши мумкин [7]. Бу мусаввир-заргарларга таълим бериш соҳасида куйдагиларда ўз тасдиғини топади: турли қобилиятларга эга бўлган икки ўқувчи томонидан заргарлик маҳсулотлари яратишнинг иккита муваффақиятли амалга оширилган лойиҳаси. Ўқувчиларнинг биттаси график воситаларни яхшироқ қўллай олгани учун ҳажм, шакл, ритмларни қизиқ оққали график эскизни яратади. Сўнгра у график ечимлар оққали лойиҳа макетини яратади ва асл лойиҳани амалга оширади.

Бошқа ўқувчи эса ҳажмий шакллар билан яхшироқ ишлайди ва шунинг учун ҳам макетлаштириш йўли билан шакл яратиш қонуниятларини ўзлаштиради, ҳажмни яратиш жараёнида пластикада шакл, силуэт, ритмик такрорланишларни излайди. Шундан сўнг макет асосида асл лойиҳани амалга оширади.

Бу мисолда ўқувчиларнинг бир хил муаммоларни ҳал этишга индивидуал ёндашишларни намоён бўлишини кузатиш мумкин. Улар ўзларни англамаган ҳолда икки педагог ёрдамида. Ўз индивидуал хусусиятларини тўғри баҳолай олганлар ва лойиҳани амалга оширишда қўллаганлар

Шундай қилиб, иждодий ривожланиш жумладан, бадий ривожланиш у ёки бу фаолиятда шахс қобилиятларининг ривожланиши билан боғлиқ. Бадий қобилият компонентлари орасида ўқувчиларнинг иждодий ривожланишлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган куйдаги компонентларни ажратиш кўрсатиш мумкин: материални умумлаштириш қобилияти, ташқи кўринишлардаги тафовутларда асосий моҳиятни ажрата билиш, улардаги умумийликни кўра олиш; шартли белгилар билан ишлай олиш қобилияти; фикрлашнинг мослашувчанлиги, фикрлашни бошқа йўналишга кўчира билиш қобилияти; бадий хотира; фазовий тасаввурга эга бўлиш қобилиятидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. - М.: Просвещение, 1991. - С 93
2. Максимович В.Ф. Теория и практика подготовки учащихся по художественно-промышленным видам труда в условиях непрерывного образования (на примере учебных заведений традиционного декоративно-прикладного искусства). -М.: Флинта, 2000. - С 380
3. Мелик-Пашаев А.А. Об источнике способности человека к художественному творчеству // Вопросы психологии 1998, №1. - С. 76-82.
4. Паустовский К. Г. Собрание сочинений, т.2, М.: 1958. — С. 605
5. Рождественский Ю.В. Словарь терминов. Общество. Семиотика. Экономика. Культура. Образование. М.: Флинта: Наука 2003. — С 108
6. Теплов Б.М. Избранные труды. В 2-х томах. Т.2. - М.: Педагогика, 1985. - С 350
7. Shadiev R.D., Kamolov I.B. Pedagogical model of professional education in jewelry art: basic parameters of the concept. Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. № 11-12. Vienna , 2014. pp 137-142

РЕЗЮМЕ

Известно, что процесс обучения осуществляется путем деления на несколько уровней. В результате создается учащимся возможность изучения и анализа художественно-творческих достижений на каждом этапе. В статье рассмотрены психологические аспекты творческого развития учащихся профессионального обучения в изучении композиций ювелирного искусства.

Ключевые слова: художественный, творчество, процесс, деятельность, профессиональный, образование, ювелирный, композиция, психологический.

RESUME

It is known that process of training is carried out by division into several levels. The possibility of studying and the analysis of art and creative achievements at each stage is a result created by the pupil. In article psychological aspects of creative development of pupils of a vocational education in studying of compositions of jeweler art are considered.

Keywords: art, creativity, process, activity, professional, education, jeweler, composition, psychological.